

ҲАШАР-ЭЛГА ЯРАШАР



Маълумки, халқимиз маънавиятида, қадриятларида бошқа халқлар ўрганса ва ўз тажрибасида қўлласа арзийдиган кўпгина ибратли тажрибалари мавжуд.

Масалан, ҳашар деб аталган тадбир кўпчиликни бирдамликка, аҳилликка ва меҳр-оқибатга ундаши билан ажралиб туради. Мазкур тадбирда ёш-у кекса отахонларимиз иштирок этиб, фарзандлар-у набираларга халқимиз маънавиятида, тарихида бир неча юз йилликлардан буён эъзозланиб келинаётган урф-одатлар, қадрятларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунтиришлар берадилар.

Хусусан Қумқўрғон туманидаги барча маҳаллаларда Ўзбекистон маҳаллалари ўюшмаси ташаббуси билан фуқаролар томонидан ободонлаштириш ва ко'каламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Мазкур ишга барча ёшдаги аҳоли вакиллари бирдек иштирок этиб маҳалланинг ободлигига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.